

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲАРБИЙ СУДЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ФАОЛИЯТИ

Ахмедов Бахриддин

Самарканд ҳарбий судининг раиси, тадқиқотчи

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: Ҳарбий суд, ҳуқуқий ислохот, суд тизими, Қуролли Кучлар, ҳарбий хизматчи, суд мустақиллиги, ҳуқуқ ва эркинлик, интизом.

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида ҳарбий судларнинг ташкил этилиш тарихи, ҳуқуқий асослари ва уларнинг фаолият йўналишлари таҳлил этилган. Мустақилликка эришилгандан сўнг ҳарбий судлар миллий суд тизимининг ажралмас қисмига айланиб, ҳарбий хизматчиларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш ва Қуролли Кучлар сафида ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаётгани таъкидланган. Шунингдек, сўнгги ислохотлар натижасида ҳарбий судларнинг ҳуқуқий мақоми, моддий-техник таъминоти ва судьялар мустақиллиги билан боғлиқ ўзгаришлар кенг ёритилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2025 LWAB.

Юртимиз тинчлиги, осойишталигини таъминлаб турган Қуролли Кучларимизнинг қудрати ундаги интизомга бевосита боғлиқ. Интизом бу ҳарбий хизматчиларнинг қонунларга ва ҳарбий Низом талабларига қай даражада риоя қилиши билан белгиланади.

Шу сабабли, қадимдан мамлакатларнинг сарҳадларини кўриқлаб турган кўшин сафларида тартиб бузувчиларга нисбатан қатъий жавобгарлик белгиланган.

Асосий қисм

Тарихга назар соладиган бўлсак, тартиб-интизомни бузган ҳарбий хизматчиларнинг ишларини кўриб чиқиш учун халқ қозилари, аскарый судлар, ҳарбий дала судлари, ҳарбий трибуналлар ташкил этилган.

Буюк Амир Темурнинг қудратли лашкаридаги тартиб интизом ҳам шу тариқа таъминланган. Темур тузукларида бобокалонимиз, “Лашкар учун махсус қози ва раият учун алоҳида қози тайинладим”¹ деб келтириб ўтган. Бундан кўринадики, Темур лашкаридаги аскарларнинг қонунни бузиш ҳолатлари ҳам алоҳида тайинланган қозилар томонидан кўриб чиқилган ва улар томонидан қабул қилинган қарорлар лашкар ичида қатъий интизомни таъминлашга хизмат қилган.

Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинганидан кейин тузилган ҳарбий судлар умумий суд

¹ “Темур тузуклари” дан парчалар

тизимининг таркибий қисми сифатида фаолият юритиб, ҳарбий хизматчиларни конституция ва қонунларга риоя қилишларини таъминлашга, Қуролли Кучлар сафларининг жипслиги ва ҳарбий интизомни таъминлашга хизмат қилиб келмоқда. Мустақилликкача ҳарбий соҳада судловни амалга ошириб келган собиқ иттифоқ ҳарбий трибуналлари Ўзбекистоннинг умумий суд тизимига кирмаган. Чунки, Қуролли Кучлар тизими иттифоқ марказидан бошқарилиб, совет ҳукуматининг ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ҳарбий трибуналлар ҳам бевосита марказга бўйсунган.

Мустақилликка эшишганимиздан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги “Ҳарбий трибуналлар ва Ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида”ги ПФ-355 сонли фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибни таъминлаш мақсадида, собиқ Туркистон ҳарбий округ ҳарбий трибунали негизида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий суди ташкил қилинди ва ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикасининг суд тизимига киритилди. Ҳарби йсудларнинг шахсий таркибига ҳарбий хизматчи мақоми берилиб, моддий ва техник жиҳатдан таъминоти Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 1 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий ҳайъати ва ҳарбий судлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий ҳайъати, Қуролли Кучлар ҳарбий суди ва гарнизон (Тошкент, Самарқанд, Термиз ва Фарғона) ҳарбий судларининг штат бирлиги тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги қонунида ҳарбий судлар умумюрисдикция судлари қаторида кўрсатиб ўтилди ва ушбу қонун ҳамда 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган “Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом” билан ҳарбий судлар тизими, ҳарбий судларга тегишли ишлар тоифаси белгилаб берилди. Ушбу қонун ва низомга кўра, ҳарбий судларга ҳарбий хизматчилар, ўқув йиғини вақтида ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисм қўмондонликларига нисбатан даъволари бўйича фуқаролик ишларини, умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойлардаги барча фуқаролик ва жиноят ишларини кўриш тааллуқли эканлиги белгиланди.

Методологияси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида”²ги фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий суди негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ташкил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди органларининг асосий вазифалари деб:

давлат манфаатларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Ички ишлар вазирлиги ички ва қоровул қўшинлари Бош бошқармалари, МХХ, ФВВ ҳамда вазирликлар ва идоралар ҳарбий бўлинмалари ҳарбий хизматчиларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш;

одил судловни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшинларда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш;

ҳарбий хизматчиларни ҳуқуқий тарбиялаш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш белгиланди.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида”, 1999 йил 23 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, 2017 йил 1 июндан - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг 159 та штат бирлигини қисқартирилди.³ Мазкур Фармон билан ҳарбий судларнинг штат birlikлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимига ўтказилиши, ҳарбий судларнинг моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти томонидан амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судларининг барча шахсий таркибини ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки, ҳарбий судьяларнинг Мудофаа вазирлиги штатига киритилганлиги ва ҳарбий судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилганлиги ушбу вазирлик ижро ҳокимияти органи ҳисобланиши туфайли суд ҳокимияти мустақиллиги тамойилларига мувофиқ келмас эди.

Ҳозирги кунда ҳарбий судларнинг таркибий тузилмаси вилоят судларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судидан ҳамда туман(шаҳар) судларига тенглаштирилган Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қарши ва Нукус ҳудудий ҳарбий судларини ташкил қилади.

Натижа

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июль куни қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 45-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари:⁴

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг ва қонунчиликка мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг ҳарбий хизматчилари, шунингдек ўқув йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмаларнинг, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ҳамда ҳарбий бошқарув органлари қарорлари, ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни, алоҳида ҳолатлар туфайли судлар фаолият кўрсатмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишларини, қонун билан ўз ваколатига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, давлат сирларига тааллуқли ишларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари қонунга мувофиқ бошқа ишларни ҳам кўриши мумкинлиги белгиланган.

Хулоса

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган ҳарбий судлар мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимидаги ҳарбий хизматчиларнинг қонунни бузиш билан боғлиқ жиноят ишларини кўриш билан бир қаторда, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисм қўмондонликларига нисбатан даъволари ва аризалари юзасидан фуқаролик ҳамда маъмурий ишларни кўриб чиқиш орқали ҳарбий хизматчиларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб, ҳарбий соҳада одил судловни амалга ошириб келмоқда.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги фармони “Суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, 1993 йил 2 сентябрь ва 2021 йил 28 июль таҳрири.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1992 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-355-сонли фармони “Ҳарбий трибуналлар ва Ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида”, 1992 йил 28 февраль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида”, 1999 йил 23 сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги фармони “Суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий ҳайъати ва ҳарбий судлари тўғрисида”, 1992 йил 1 декабрь.
7. “Темур тузуклари”дан парчалар.
8. Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, 1993 йил.